


# КИЗИКАРЛИ ПСИХОЛОГИЯ



№ 1

ИДРОК ВА ИЛЛЮЗИЯ

Ушбу услубий кўлланма педагогика ва психология мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга ва кенг китобхон оммасига мўлжалланган бўлиб, психология фанида энг кизикарли мавзу бўлган идрок ва унинг хоссаларини илмий - амалий тарзда чукуррок тушунишлари учун ёрдам беради деган умиддамиз.

**Муаллиф:** Ё. Джуманазаров, Наманган Давлат университети,  
педагогика ва психология кафедрасининг катта ўқитувчisi

**Тақризчилар:** пс.ф.н.доц. М.Максудова.

И.Тошпўлатов. НамМПИ педагогик

технологиялар кафелраси катта

ишлаш, фойдаланувчи  
олиш.

тотонистиларини тўл  
тган хужжатларни

ашининг

ан тасдиқланган ва нашрга

кўрон таалог  
и учун йў  
томатлаш  
салалат

Ахбадиев – Тошпўлатов (санк муршид)

38 page

21398

## КИРИШ

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати, инсонни интеллектуал ва маънавий-аҳлоқий жиҳатдан шакллантириш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутади.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, таълим ва тарбия соҳасида олиб борилаётган ишларнинг пировард мақсади ҳар томонлама етук, баркамол инсонни шакллантириш, юксак салоҳиятли, теран фикрловчи мутахассисларни тайёрлашдан иборатdir.

Юкоридаги фикрлардан келиб чиқиб педагогика ва психология йўналиши талабалари, мутахассислар ва барча кизикувчиларга мўлжалланаётган ушбу услубий қўлланма руҳий жараёнларни юзага келишини ўзлари тўғри тушунишлари ва ўқувчиларга тушунтиришлари учун бир дастури амал бўлади деган умидда интернет тармоғидан олинган материалларни муҳитимизга мослаштириб фойдаланиш учун тақдим этмоқдамиз.

Жамиятни юксакликка кўтариб комил инсонни тарбиялаб ўстириш ўзбек ҳалқининг азалий орзуларидан биридир. Айниқса истиқлол даври миллий мағкураси янги авлоднинг маънавий, ақлий камолотини такозо этади. Шундай экан ўқув-тарбия жараёнларимизда педагогик-психологик билимлардан ўз ўрнида фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

Кундалик фаолиятимизда инсон руҳиятининг акс эттириши асосида юзага келадиган турли –туман воқелик ва жараёнларнинг намоён бўлиши узоқ йиллар давомида инсонларнинг дикқат –эътиборини тортиб келган. Қадимда илмий билимларнинг етарли эмаслиги туфайли қаралаётган ҳодиса инсонлар руҳий дунёсиннинг ички индвидуал хусусиятларига боғлиқ эканлигини инобатга олмай, гўё воқеликда мавжуд деб фикр килишган. Мисол учун; ажина, алвасти, арвоҳ ва хокозоларнинг кўзимизга кўрининиши.. Натижада авлодлардан-авлодларга бундай тушунчалар тўғридан-тўғри сингдириб келинган.

Табиат ҳодисаларини ўрганиш жараёнида етарли даражада фактлар тўпланиб қолдики, уларни тушуниш ва ўзлаштириш учун классик ёндашувлар етарлича самара бермай қолди. Ҳозирги замонда фаннинг сўнгги ютуқлари мураккаб ҳодисаларни ўрганиш, уларни тушуниш учун механик ёндашув эмас, балки бутунлай янгича ёндашув бўлишларини кўрсатади.

Ҳар кандай фаолиятда “тушуниш” мухим ташкил этувчи омил бўлиб, у хатто инсонлар ўртасидаги муаммоларнинг асоси ҳисобланади. Яқин вақтларгача тушуниш оддий ва табиий ҳусусиятга эга эди, лекин ҳозирга келиб илмий психологиянинг ривожланиши натижасида оддий ва табиий тушуниш ўз кучини йўқотди.

Ҳакиқий тушуниш идрок этишнинг барча даражаларини қамраб олади, бунда руҳий, ижтимоий –маданий, табиий илмий манбаларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Юкоридаги фикрларни ҳисобга олиб биз ушбу услубий қўлланма оркали психология фанининг энг қизиқарли мавзуларидан бири бўлган “Идрок ва иллюзия” ҳакида янгича ёндашув асосида маълумотлар беришни ўз олдимиизга максад килиб қўйдик. Мисол учун; **Китобимизнинг биринчи муковасидаги расмда фокусчининг халқаси ичига гипнозланган ҳолатдаги қизнинг бош қисми кириши мумкинми? –йўқ албатта**. Чунки тажрибамиздан биламизви қоғоз ҳам, расм ҳам жонсиз нарсалардир. Лекин кейинги сахифаларимизнинг бирида албатта мумкин эканлигини ўз кўзингиз билан кўриб гувоҳи бўлишингиз мумкин.

Рус психологи К.К.Платонов тамонидан 1974 йилда нашр этирилган “Қизиқарли психология” китоби ўз кучини йўқотмаган бўлсада уни янги манбалар билан бойитиш ва вокеликни тўғри талкин этишда кўргазмалиликдан фойдаланиш замон талабига айланиб қолди. Миллый мухитимизда биринчи бўлиб чоп этилаётган ушбу услубий қўлланма “Қизиқарли психология” – рукни остида “Идрок ва иллюзия” мавзусини илмий амалий тарзда ёритишга харакат қилиниши маълум бир маънода сиз азиз ўкувчиларимизни инсон руҳиятининг ўзига хос ҳусусиятларини тўғри тушунишлари учун бир манба бўлади деган умидда фикр ва мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз..

Хурмат ва эҳтиром ила муаллифлар.

**Нарса ва ходисаларни яхлитлигича акс эттириш - идрок деб аталади.** Идрок нарсалар, предметлар ва ходисаларни англаш, тушуниш, таниш, уларни маълум бир тоифага киритиш билан боғликдир (1-расм).



**1-расм.** Идрок обьектининг қайси аломатлари, белгилари уни англашда асосий белгиси деб таънлаб олинниши билан шартланади. Бу расмда ёш аёл ёки қари кампир образини кўриш мумкин.

Идрок хатти-харакатлар воситасида амалга ошади, у идрок этилаётган предметни, обьектни тадқиқ этиш, унинг образини яратиш билан боғлик.

**Харакат жараёнлари** (предмет контури бўйича кўзнинг харакати, кўлнинг предмет сирти, юзаси бўйича харакати, хилқилдокнинг харакати, эштилаётган товушнинг чиқиши кабилар) ҳар бир идрок актининг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳизмат киласди.

**Идрокнинг нейрофизиологик асослари.** Анализаторларнинг комплекс аналитик-синтетик фаолияти идрокнинг физиологик механизмлари бўлиб ҳисобланади. Чунки идрок жараёнида предметларнинг қисмлари ва хусусиятлари ўртасидаги муносабатлар, боғлиқликлар англанади, шунинг учун ҳам шу муносабатларга нисбатан бўлган шартли рефлекслар идрокнинг физиологик механизмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Агар анализаторга маълум кетма-кетликда таъсир этадиган кўзгатувчилар тизими доим таъсир этиб тураверса, унда уларга нисбатан бериладиган жавоб реакцияси алоҳида олинган кўзгатувчи таъсирига эмас, балки шу кўзгатувчиларнинг ўзаро боғлиқлиги, алоқаси, уларнинг нисбатига боғлиқ бўлади.

**Динамик стереотипларнинг шаклланиши,** шунингдек анализаторлар ўртасида шартли рефлектор боғланишларнинг юзага келиши идрокнинг яна бир муҳим физиологик механизми бўлиб ҳисобланади.

Одам идроки ҳамма вакт иккинчи сигналлар тизими фаолияти билан боғлиқдир. Сўз туфайли идрок килинаётган предмет мазмунга эга бўлади.

**Идрок таснифи** (классификацияси). Идрок рецепторларнинг жойлашган жойига ва улар фаолиятининг характеристига кўра классификация килинади. Шунга кўра: кўриш, эшлиш ва тери-туюш идроклари фарқланади. Булардан ташқари идрокнинг маконни ва вактни идрок этишдек мураккаб турлари ҳам мавжуд. Идрок этишда ироданинг иштирок этиши, идрокнинг мақсадга йўналтирилганлигига кўра: ихтиёrsiz (олдиндан кўзланмаган, иродавий зўр бериш ва олдиндан кўзланган максадга боғлик бўлмаган) ва олдиндан кўзланган (максадга йўналтирилган) ихтиёрий идрок турлари ҳам фарқланади.

Шунингдек, идрок акс эттирилаётган объекtnинг хусусиятига кўра ҳам классификация килиниши мумкин (предметлар шакли ва катталигини, унинг ҳажми ва узоклигини идрок килиш, одам томонидан одамни идрок килиш, нутқни идрок килиш ва ш.к.).

Идрок одатда қандайдир бир фаолиятга кўшилган бўлади, шу фаолиятда амалга ошади, бирок у ўзи мустақил фаолият сифатида ҳам

намоён бўлиши мумкин. Бирон бир масалани ҳал қилишига каратилган, режали, маҳсус, ташкилий идрок кузатиш деб аталади.

## Идрокнинг умумий қонуниятлари.

Идрокнинг хар хил турлари ўзларининг ўзига хос, маҳсус қонуниятларига эга. Ҳар бир турнинг ўз қонуниятидан ташқари идрокнинг умумий қонуниятлари ҳам мавжуд.

Булар 1) англанганлик ва умумлашганлик; 2) яхлитлик;

3) ташкилийлик; 4) танловчан йўналганлик;

5) апперцепция; 6) константлик.

1. **Идрокнинг англанганлиги ва умумлашганлиги.** Идрок этилаётган предметларда, биз нимани идрок этаётганлигимизни англаймиз, тушунамиз. Идрок мазкур предметни маълум бир тоифага, тушунчага тегишли эканлигини аниқлаш ва уни сўз билан ифодалашга оид бўлган фикрлаш фаолияти билан узвий боғлиқдир (болаларни бирон бир нотаниш предметга дуч келиб қолганда унинг номини, у нима эканлигини сўрашлари ҳам бежиз эмас). Идрокнинг тажриба ва фаолият вазифаси билан боғлиқлиги установка дейилади. Бундай вазиятда объектда унинг берилган вазифага мос келадиган жиҳатлари биринчи планга чиқади (2-расм).



2-расм. Идрок объектнинг вазият контекстига кириши, фаолиятнинг умумий йўналганлиги билан боғлиқ бўлади. Бу расмда қаторлар вертикал бўйича қаралганда ўртадаги шакл 13 ракамидек идрок этилади. Қатор горизонтал

бўйича қаралса - В ҳарфидек идрок килинади. Бунда битта шаклнинг ўзи кандай тушунчалар тизимида қаралаётганлигига караб турлича идрок килинади.

Идрокда сезгилар орқали олинган маълумотларнинг жамланиши, йиғиндинсини чиқариш эмас, балки бу маълумотларни мавжуд билимлар нуқтаи назаридан изоҳлаш (интерпритация қилиш) амалга ошади. Идрокда айrim жиҳатлар умумийликнинг намоён бўлиши тарзида акс эттирилади.


Предмет ва ҳодисаларни англашнинг энг содда шакли **танишдир**. Бунда идрок хотира билан узвий боғлиқ бўлади. Предметни таниш - бу мазкур предметни идрок қилиш, уни олдиндан шаклланган образ билан таккослаш демакдир. Таниш умумлаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Бунда бирон-бир предметнинг маълум бир бир умумий тоифага таалуклилиги акс эттирилади (масалан, бу стол, бу дараҳт ва ҳ.к.), ёки дифференциялаштирилган (маҳсус) бўлиши ҳам мумкин, бунда идрок этилаётган объект олдин идрок қилинган бирон-бир предмет билан тенглаштирилади. Бу танишнинг анча юқори даражасидир. Бундай тоифадаги танишда мазкур предмет учун хос бўлган белгиларни, унинг аломатларини ажратиб олиш лозим бўлади. Таниш белгиланганлиги, аникланганлиги, аниклиги ва тезлиги билан ҳарактеланади. Танишда одам предметнинг барча белгиларини фаркламайди, балки унинг ҳарактерли танитадиган белгиларидан фойдаланади. Моддий объектларни таниш учун уларнинг контури, шу предмет учун ҳарактерли бўлган линиялар кесишуви мухим аҳамиятга эга (масалан узокдан қўриниб турган кемани, унда трубаларининг, елкан ва мачтасининг борлиги туфайли кема эканлигини таниймиз ва уни қайик деб ўйламаймиз). Агар предметнинг ҳарактерли ташки белгилари кам бўлса, уни таниш кийинлашади. Фаркламайди, балки унинг ҳарактерли танитадиган белгиларидан фойдаланади.

**2. Идрокнинг яхлитлнги.** Реал воқеликдаги предмет ва ҳодисаларда уларнинг айrim белгилари ва ҳусусиятлари доимий турғун ўзаро алоқада бўлади. Предметнинг психик образида бўлгани каби идрокда ҳам предметлар ва ҳодисаларнинг жиҳатлари ўртасидаги турғун алоқалар акс эттирилади. Бу идрокнинг яхлитлнгига ифодаланади. Ҳатто таниш объектнинг айrim белгиларинигина идрок этаётган вазиятларда, биз бу объектнинг этишмаётган белгилари ва қисмларини фикран тўлдирамиз. **Объектнинг айrim, алоҳида, бўлинниб кетган қисмларини биз ўзимизга таниш бўлган бутун, яхлит ҳолатга келтиришга интиламиз** (3-4 расмлар).



3-расм. Идрокнинг яхлитлиги.

Агар расм 180 градусга ағдарилса, унда тасвирланган алохида доғлар яхлит образларга бирлашади ва англанилади.



4-расм. Идрокнинг яхлитлиги.

Онгнинг яхлит объектни ажратиб олиш анъанаси шу кадар каттаки, биз ҳатто оқ учбурчак ва оқ фон ўртасида мавжуд бўлмаган чегара қирраларини ҳам "кўрамиз".

**3. Идрокнинг тузилиши** (донадорлиги). Биз объектларнинг фарқини уларнинг белги, аломатларининг тургун тузилиши туфайли таниб оламиз. Идрокда предметнинг томонлари, қисмларининг ўзаро муносабатларини ажратиб олиш амалга ошади (уйни биз унинг айрим белгилари қандай бўлишидан катъи назар уй деб идрок киламиз). Идрокнинг англанганлиги идрок этилаётган объект элементлари ўртасидаги муносабатларни акс эттириш билан узвий боғлиқдир (5-расм).

Объект қисмларининг фарқланиши қийин бўлган вақтларда, предметни яхлитлигича идрок этиш ҳам қийинлашади.



5-расм. Ташқи кўринишига кўра турлича, бироқ моҳиятига кўра бир хил бўлган объектлар уларнинг тузилишли ташкил этилганлиги учун бир хилда акс эттирилади.

**4. Идрокнинг танловчан йўналганлиги.** Бизни ўраб турган кўп сонли предметлар ва ҳодисалар орасидан биз айни вактда уларнинг айримларинигина ажратиб фарқлаб оламиз. Бу, одам фаолияти нимага

йўналтирилганлигига, унинг эҳтиёжлари ва кизикишларига боғлик бўлади. Масалан, жиноят содир этилган жойда терговчи, жиноятнинг ашёвий далили бўлмиш, жиноятчининг изларини қидиради.

**5. Идрокнинг танловчанлиги** - фондан объектни мумкин қадар устунрок ажратиб олишдир. Агар, объект ва фон мазкур фаолият учун тенг аҳамиятга эга бўлса, унда улар бир-бирига ўтиб кетиши, аралашиб кетиши мумкин, яъни объект фонга айланиши, фон эса объектга айланиши мумкин (6-расм). Объектни фондан ажратиб, фарқлаб олиш унинг контури бўйича амалга ошади. Предметнинг контури қанчалик равshan, контраст бўлса, уни ажратиб олиш шунчалик осон бўлади ва аксинча, агар предмет контури шувалиб кетган, фон линиясига кириб кетган бўлса, унда объектни фарқлаш қийин бўлади(харбийда фойлананиладиган маскировкалар шу конуниятга асосланган).




**6-расм. Идрокнинг танловчанлиги.** Бу расмда галма-гал ё сарик фондаги ваза ёки қора фондаги иккита юз профили идрок этилади.

**6. Апперцепция** (Лотинчадан “*ad*” - га; “*perceptio*” - идрок). **Идрокни шахснинг хаётий тажрибаси, билимлари, кизикишлари ва установкасига боғликлиги - апперцепция дейилади.** Ёниб турган гулханга

узоқдан қарап эканмиз, биз унинг иссигини сезмаймиз, бирок гулханни идрок этишда унинг бу сифати ҳам акс эттирилади. Бизнинг тажрибамизда гулхан на иссиклик мустахкам, боғликтликка эга.

Одамнинг олдинги тажрибалари, билими, касб-корга йўналганлигига боғлик равишда, у ёки бу предметни танлаб фарқлабгина колмай, балки уларнинг турли жиҳатларини, томонларини танлаб идрок этади (7-расм).



**7-расм. Апперцепция.**

Бу расм текис объект образини беради. Бирок, биз бу ерда пирамида тасвири акс эттирилганлигини биладиган бўлсак, унда образ уч ўлчамли бўлиши мумкин.

**7. Идрокнинг константлиги.** (ўзгармаслиги). Бир предметнинг ўзини биз турли ўзгарувчан шароитларда: турли ёруғликда, турли нуктаи назардан, турли масофада идрок киласиз. Бирок шу предметнинг объектив сифатлари ўзгармаган ҳолда идрок килинади.

**Идрокнинг константлиги** - бу предметнинг объектив сифатлари (катталиги, шакли, ранги ва бошқ.)ни акс эттиришининг вақтинчалик шароитларига боғлик эмаслигидир. Предметни яқин ва узоқ масофадан идрок этишда унинг кўз гавҳаридаги акси катталиги турлича бўлади. Бирок, буни биз предметни хажми каттайиб ёки кичрайиб қолгандек эмас, балки уни биздан узоклиги ёки бизга якинлиги деб изоҳлаймиз.(8-расм). Тўғри бурчакли предметни (папка, көғоз вараги) турли нуктаи назардан идрок қилишда кўз гавҳаридаги квадрат, ромб ва ҳатто тўғри чизикларни акс этиши

мумкин. Бирок барча вазиятларда биз бу предметга хос бўлган шаклни идрок қиласаверамиз.



**8-расм. Идрокнинг константлиги.**

Бир хил катталикда бўлган икки қалам (объект)дан узокроқдагиси кўз гавҳарига кичикроқ тасвири беради Бирок бу уларнинг ҳакикий катталигини изохлашга таъсир қилмайди.

Идрокнинг константлиги наслий сифат эмас, у тажрибада, таълим жараёнида шакланади. Айрим ноодатий шароитларда у ўзгариши, бузилиши мумкин. Бундай вазиятда **аконстантлик** юзага келади. Масалан, агар биз баланддан (самолётдан) пастга қарасак, унда биз учун одатдаги предметлар бир оз бузилган ҳолда идрок қилиниши мумкин (масалан, одамлар, автомобиллар бизга нотабиий кичикдек туюлади).

Товушдан тез учувчи самолётларнинг учувчилари дастлабки онларда предметларнинг жуда тез яқинлашиб келишини унинг ҳажми (ўлчамлари) каттайиб кетгандек идрок этадилар.

Идрокнинг константлиги туфайли биз предметларни турли шароитларда таниб оламиз ва улар орасида ўзимизни муваффақиятли ориентировка қиласамиз.

### **Макон (фазо) ва замон (вакт)ни идрок этиш хусусиятлари.**

**Макон (фазо)ни идрок қилиш** Маконни идрок қилиш катталикни, шаклни, ҳажмни, узокликини предметларни жойлашгани жойи ва уларнинг ҳаракатини, идрок қилишдан ташкил топади.

Предметларнинг катталигини ва шаклини идрок қилиш одам тажрибасида кўриш, тери-туйиш ва кинестезик (мускул-ҳаракат) сезгилирининг мужассамлашуви натижасида амалга ошади.

Предметларнинг ҳажми, катталиги ва узоклигини (масофасини) идрок қилиш бинокуляр (иккала кўз билан) кўриш хисобига амалга ошади.

Предметларни идрок қилиш нафакат уни күз гавҳаридан акс этиш катталигига, балки предметнинг узоклигига қараб ўзгарадиган күз мускулларининг зўрикиш кучига ҳам боғлик бўлади. Яқин масофадаги предметларга қаралганда кўз гавҳарининг эгилиши катталашади, узоқ масофадаги предметларга қаралганда гавҳар ясси бўлиб қолади. Кўз гавҳари толалари эгилишининг бундай ўзгариши **аккомодация** дейилади.

Лекин аккомодация б м атрофида узокликда бўлган предметлар ҳақида маълумот беради. Агар предметлар узокроқ масофада бўлса, унда уларнинг узоклиги ҳақидаги маълумот қўриш ўқларининг ўзаро жойлашишидан мияга “келиб тушади”.

Предметларнинг фазодаги ўрнининг алмашиши ва уларнинг ҳаракати уларнинг узоклиги ва ҳаракат тезлигига боғлик ҳолда идрок қилинади. Одам жуда секин ҳаракатларни идрок қила олмаслиги мумкин, шунинг учун улар ҳақида уларнинг қиёсий белгиларига кўра хулоса чиқаради (масалан соатни минут стрелкасининг ҳаракати факат унинг турли ҳолатларида туришини солиштириш орқалигина идрок қилинади). Шунингдек ҳаддан ташкари катта тезлик ҳам идрок қилинмайди. Предметлар канчалик узок бўлса уларнинг ҳаракат тезлиги ҳам шунчалик секинга ўхшаб туйилади.

Объект ҳаракатининг эффиқти, маълум бир (унчалик катта бўлмаган) вақт оралиғида предметнинг турлича фазалари идрок қилинган ҳолатларда юзага келиши мумкин (масалан, секундига 24 кадр ўтадиган кино плёнкаси тасвирланган материалларни идрок қилишда). Идрокнинг айнан шу хусусиятидан маҳсус хизмат идоралари фаолиятида, реклама ишларида фойдаланилади. Агар кино плёнкаси секундига 25 кадрдан ўтиб турадиган бўлса томошабин кадрларни бир-биридан ажратиб турадиган чизикчанинг ўтишини идрок килмайди. Лекин бу ҳолат одамнинг сезиш, идрок этиш чегарасидан ташқарида бўлсада унинг сезги органларига таъсир этиб туради. Бу таъсирларни томошабин онг доирасида идрок этмайди. «Кадрлар ҳамма нарсани ҳал этади, 25-кадр эса ҳамма учун (ҳамманинг ўрнига) ҳал қиласди» дейилганидек, аҳоли ўртасида бирон бир ташвиқот, дават ёки реклама ишларини олиб боришда улар эътиборига ҳавола этилаётган фильм ёки бирон-бир кўрсатув тайёрланган плёнканинг ҳар 25-кадрига тегишли маълумотлар ёзиб қўйилади. Шу 25-кадрда ёзилган маълумотлар томошабин томонидан қўриб идрок қилинмасада, лекин унинг мазмуни ҳақидаги маълумот унинг онг остига киритилади. Оқибатда бундай плёнкалар оркали берилган кўрсатувларни томоша қилган одамлар ўзлари англамаган ҳолда шу 25-кадрда берилган маълумотларга амал кила бошлайди. Бундай ташвиқот

усулларидан чет эл реклама агентликлари ва маҳсус хизмат идоралари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Макон (фазо)даги муносабатларни түғри баҳолаш қобилияти глазомер дейилади. **Статистик** ва **динамик** глазомерлар фарқланади.

**Статистик** глазомер - ҳаракатсиз турган предметларнинг ўлчамини, уларнинг ҳаракатсиз турган кузатувчидан узоқлигини аниқлаш.

**Динамик** глазомер - одамнинг ҳаракатланаётган предметларнинг нисбатини, уларнинг тезлиги ва улар ўртасидаги масофани аниқлаш қобилиятидир. Динамик глазомер жабрланувчилар, гувохлар ва айбланувчиларнинг воқеа содир этилган вазиятда объектларнинг йўналиш ва ҳаракат тезлиги ҳакида берган маълумотларини баҳолашда мухим аҳамиятга эга.

Энг майда (кичик) предметларни ҳам кўра олиш қобилияти **куриш ўткирлиги** дейилади. Кўриш ўткирлиги мазкур масофадан фарқлаш мумкин бўлган икки нукта оралиғидаги минимал оралиқ, фарқ билан аниқланади. Кўриш даражаси нормал бўлган одамлар 100 м масофадаги 3 см га фарқ киладиган предметлар фарқини ажратса оладилар. Бундай ҳолатда фарқланаётган объектларнинг бурчак ўлчами бир бурчак минутига тенг бўлади. Бу эса **куриш ўткирлигининг бирлиги** хисобланади.

Кўриш ўткирлиги предмет билан олдиндан таниш бўлиш, уни кўриш майдонида кутиш объектнинг рангли бўялганлиги, объектлар ва шакллар ўртасидаги контрастлар, кўриш стимулининг ижобий таъсири кабиларга боғлиқ бўлади. Кўриш ўткирлиги объектни ёритилганлигининг ортиши билан кучаяди ва тананинг тебраниши, қимирилаши туфайли объектни бурчак тезлигининг ортиши билан пасаяди.


**Вактни идрок қилиш** - узоқликни, масофани ва ҳодисалар кетма-кетлигини акс эттириш.

Нерв хужайраларининг маълум бир ҳолати вактни идрок қилишининг физиологик механизмлари бўлиб хисобланади. Кўзгатувчиларнинг узоқ муддат таъсир этиб туриши оқибатида (мунгизам таъсир этиб турувчи кўзгатувчилар таъсири йиғиндиси хисобига) нерв хужайраларининг кўзғалиши кучаяди. Вактни идрок этиш ҳам бошқа барча психик акс этишлар каби объектив воқеликнинг субъектив образи хисобланади. Унчалик катта бўлмаган вакт оралигининг давомийлиги одатда бир оз ошириб (орттириб)

юборилади, вақтнинг катта интерваллари эса бир оз камайтириб идрок этилади. Тезкор темп ҳам вакт оралигини орттириб юборилишига, секин темп эса камайтириб акс эттиришга олиб келади. Кизиқарли ва аҳамиятли воқеалар билан боғлик бўлган вакт оралиги бир оз қисқадек туюлади (эслашда эса, аксинча узоқ туюлади). Ижобий хиссиётларда вакт камситиб (камайтирилиб) баҳоланади, салбий хиссиётларда эса орттириб баҳоланади. Вақтни камайтириш доимо қўзғалишининг тормозланишдан устунлик қилишининг натижаси хисбланади. Вақтни орттириб идрок қилиш эса бир ҳил, кам аҳамиятли қўзготувчилар таъсири остида юзага келувчи тормозланишнинг устулиги билан боғлик. Вақтни идрок этиш табиатдаги (тун ва куннинг, йил фаслларининг ва бошқаларнинг алмашинуви) ва одам организмидаги (моддалар алмашинуви ва бошк.) турли циклик ҳодисалар билан боғлик.

### **Кўриш идроки иллюзияси.**

Объектларни маконда үзаро жойлашишини идрок қилишда айрим ҳолатларда кўриш идроки иллюзияси юзага келади. Улар жисмоний, физиологик ва психологик сабаблар туфайли пайдо бўлади. Стакандаги сувга солинган қошикни (синиқдек) туюлиши - жисмоний иллюзияга мисол бўлади.






9-расм.

Агар күз олмасини ён томондан босилса, унда күрениб турган предмет “харакатга” келади - бу физиологик иллюзияга мисол. Психологик иллюзияларни эса уни юзага келтирадиган турли хил сабабларга күра турли гурухларга фарқлаш мумкин.



**10- Расм. Вунд-Фик иллюзияси.** Предметтинг юқори қисми ва вертикаль линияларини орттириб бағолаш иллюзияси. Иккита түгри чизик бир-хил катталиқда лекин вертикаль чизиқ горизонтал чизикке нисбатан каттароқ күринади.





**11-расм. Мюллер-Лайер иллюзияси.** Яхлит нарса хусусиятини унинг қисмларига күчириш иллюзиясида бир хил чизиклар катта шаклларда каттадек туюлади.





**12-расм.** Эббингауз-Титченернинг контрастлик иллюзияси.

Үртадаги қызил доиралар иккаласи ҳам аслида тенг бўлсада, катта доиралар ичидагиси, кичикроққа ўхшаб туюлади.




**13 – расм. Понзо иллюзияси.**


Катталигига күра бир хил бүлгән предметлар идрок этиш майдонида катта ёки кичикдек идрок килинади. Яъни бир-хил хажмга эга бүлгән симёочлар идрок этиш майдонида катта – кичикдек туулади.




14 –расм. Фрейзер иллюзияси. Фондаги чизиқлар таъсири остида тұғри чизикларнинг паралел эканлигининг бузилиши.




**15-расм. Цёльнер иллюзияси.** Узун параллел чизиклар, кичик хажмдаги (диагонал) чизиклар кесиб үтгандыгы туфайлы бир тамони кисқарғандек, иккинчи тамони кенгайғандек күрінади.





**16-расм. Поггендорф иллюзияси.** Тұғри чизиклар үрта кисмининг усти ёпилса, тұғрилік хусусияти йүколгандек (ёки силжигандек) идрок қилинади.



**17-расм. Гарсия-Морган иллюзияси.** Айланы үртасидаги нұктага тикилиб, расмни үзингизга яқин ёки узоклаштырсанғыз айланадаётгандек туулади.




**18-расм. Ястров иллюзияси.** Иккита объект хажми жиҳатидан катта ва кичик деб идрок қилинади. Лекин улар мутлоқо бир хил хажмда.



19-расм. Китаока иллюзияси. Жонли расмлар.



**20-расм. Иррадиация иллюзияси.** Ёркинроқ ранглар (тасвирлар) якынга ўхшаб түйилади.



**21- расм. Тактил иллюзия.** Күзингизни боғлаган ёки юмган холда ўнг күлингизда бурнингизни ушлаб, чап күлингиз билан ўртогингизни бурнини силаб(ушлаб) кўринг гўё бурнингиз узайгандек туюлади.



**22- расм. Кўриш ва тери туюш иллюзияси.**

Бармоғингиздаги оғрикни дурбиннинг(бинокл) тескари томони орқали қараб турсангиз оғриқ сусайгандек туюлади.

Одамга турли –туман нарса ва ходисалар доим таъсир этиб туради. Аммо одам айни бир вактда уларнинг ҳаммасини идрок қилгани билан уларга етарлича эътибор беравермайди. Идрок жараёнида ҳамма вакт ҳам объектив оламдаги нарсалар адекват тарзда акс эттирилавермайди. Идрок жараёнида янгишиш ҳоллари ҳам бўлиб туради.

Одамнинг кўзи - ўта сезувчан, нозик ва мураккаб “асбоб” . Аммо у ҳам баъзи –баъзида адашиб туришга мойил, Унинг адашиши, айниқса кўриш иллюзияларида яққол намоён бўлади. Нарсаларни нотуғри идрок қилиш - иллюзия дейилади.

Идрок иллюзиялари(лотинча «*illusio*» - хато, янгиш сўзларидан олинган) – нарса ёки ходисаларни нотуғри, янгиш кўринишда идрок этишдан иборатdir.

Демак, иллюзиялар вокеликни, ундаги нарса ёки ходисаларни аслига тўғри келмайдиган(ноадекват) тарзда идрок этишdir. Иллюзияларнинг сабаблари ҳилма-ҳил бўлиши мумкин:

1. Одамнинг тажрибасига;
2. Анализаторнинг хусусиятларига;
3. Идрок этиш шароитининг ўзгаришига;
4. Физиканинг муайян қонунларига;
5. Сезги аъзоларидаги қандайдир нуқсон ва ҳакозоларга.

Нарса ва ходисаларни идрок қилишдаги алданишлар – иллюзияларга кўпинча идрокнинг яхлитлиги сабаб бўлади. Биз кўзимизга кўриниб турган фигураналар ва уларнинг қисмларини алоҳида-алоҳида эмас, балки маълум даражада ўзаро бирликда, яъни яхлит идрок қиласиз. Натижада янгишиб, бутун фигуранинг хусусиятларини унинг қисмларига ҳам тааллукли деб ўйлаймиз.

Умумий равишда идрок иллюзиялари орасида кенг тарқалгани кўриш иллюзияларидир. Уларни 2 гурухга ажратиш мумкин.


- 1- гурух,. Фон хусусиятлари туфайли пайдо бўладиган иллюзиялар.
- 2- Гурух. Шаклнинг ўзгарган тарзда акс эттирилиши туфайли пайдо бўладиган иллюзиялар.

Биз ушбу кўлланмада асосан фон ва шаклнинг ўзгарган тарздаги акс этирилиши туфайли пайдо бўлувчи кўриш иллюзияларининг ўзига хос тамонларини “қизиқарли” манбалар асосида таништирмоқчимиз.

Кўлланманинг айрим расмларини изоҳсиз берилиши сизни мустақил таҳлил қилишга ундайди деб умид киламиз.


## ИЛЛЮЗИЯЛАР

Кўзларингизни юмган холда кўрсатгич ва ўрта бармоғингизни чалиштириб (23-расм) бармоқларингиз учи билан бирон думалок нарсани (яхшиси металдан ясалган совуқ шар бўлгани мақул) тез-тез айлантиринг. Шунда бармоқларингиз орасидаги думалок нарса гўё иккитадек туюлади. Аристотел иллюзияси.




23 – расм. Аристотел иллюзияси.

Құлымизга вазни бир ҳил,аммо ҳар-хил катталиқдаги иккита лугат китоб билан катта журнални олсак,негадир хажман каттароқ бұлған жисм (24-расм,бизнинг мисолда журнал) оғиррок бұлиб туулади.Бирок айтилдику вазни бир ҳил деб.....хайронмисиз? ҳеч киси йүқ, XIX асрда олимлар ҳам шундай хайрон қолиб ёқасини ушлаганлар. Буни психологияда **Шарпантъе** иллюзияси дейилади.



24 - расм. Шарпантъе иллюзияси.



25 - расм.

Хаво рангдаги түртбұрчакни йүқотиш учун китобимизнинг 37 бетидаги “Сәхрли сұзлар” ни айтиб үртадаги кора нұктага нигохингизни 30-40 дақика тикиб турсаңыз у йүқолади.




26- расм. Бу хитой иеографларининг ёзувини факат хитойликларнинг ўзигина ўқий олади холос, тұғрими. Лекин хulosса чиқарышишга шошилманг агар ўқишиңи жуда хохласанғиз, бошингизни чап елканғизга энгаштириңг . Жуда осон эканми. Қолган ёзувларнинг ўқиши сирларини “хитой”ликлардан ўрганиб оласиз деган умиддамиз.




27- расм. Бу антиқа автомобиль кимниги бўлиши мумкин деб ўйлайсиз? Анигини билмокчи бўлсангиз кейинги сахифаларимизни диққат билан ўқинг жавоб берамиз.




**28-расм.** Ушбу расмда фокусчининг ҳалқаси ичига гипнозланган ҳолатдаги кизнинг бош кисми кириши мумкинми? –йўқ албатта. Чунки тажрибамиздан биламизки қофоз ҳам, расм ҳам жонсиз нарсалардир. Лекин кейинги сахифаларимизнинг бирида албатта мумкин эканлигини ўз қўзингиз билан кўриб гувохи бўлишингиз мумкин.



**29- расм.** Бу тўғри тўртбурчак ишонмасангиз ўлчаб кўринг.



**30-расм.** Китобни ўқияпсизми ёки уйқунгиз келгани учун уни тўнтариб  
кўйдингизми. Бир карасангиз у очилиб тургандек ва аксинча идрок қилинади.




31-расм. Хар-бир нарсани чегараси бўлади албатта. Лекин ушбу зинапояни чегарасини бир топишга уриниб кўрингчи?

**YOU WILL FORWARD THIS EMAIL YOU WILL FORWARD THIS EMAIL  
YOU WILL FORWARD THIS EMAIL YOU WILL FORWARD THIS EMAIL  
YOU WILL FORWARD THIS EMAIL YOU WILL FORWARD THIS EMAIL  
YOU WILL FORWARD THIS EMAIL YOU WILL FORWARD THIS EMAIL  
YOU WILL FORWARD THIS EMAIL YOU WILL FORWARD THIS EMAIL  
YOU WILL FORWARD THIS EMAIL YOU WILL FORWARD THIS EMAIL**

32-расм. “Бу сехли” сўзларми ёки идрок этишда сиз сеҳландингизми?




33-расм. Машхур композитор Чайковскийнинг “Уйкудаги гўзал” ини кўмокчи бўлсангиз қошларини ўртасига тикилиб туринг.



34-расм. Ўрдакми ёки қуён?



**35- расм.** Инсон шундай имкониятга эгаки ҳатто нигоҳингиз билан шундай катта чархпалакни айлантира оласиз. Тұхтатмокчимисиз, унда үртадаги айлананың ёруғлигига нигоҳингизни каратинг вассалом.




**36-расм. Жонли доиралар иллюзияси.**

Доиралар айланмайды албатта. Лекин нигохингизин расмнинг турли бурчакларига навбатма-навбат қаратып чиқсангиз, доиралар гүб айланыётгандек туюлади.



37 – расм. Бу дераза албатта “AKFA” эмас, лекин антиқалиги билан ундан колишмайды. Ишонмасанғиз деразанинг юқори кисмінде қаранг, у ташқарига очилади, паст кисмінде қарасанғиз у ичкарига очилади.



38- расм. Бу аскарларнинг қайси бири бўйчан ва гавдали. Сизнингча ўнг томондагиси шундайми. Адашасиз, ҳарбий кўрик натижаларига кўра уларнинг жуссаси бир ҳил.



39- расм. Антиқа зинапоя. Зинапоянинг ўнг томонидан чикиш мумкин лекин чап тамониданчи?



40- расм. Ушбу расмни қадимда хеч ким тушуна олмаган. Баъзилар бу расмни “арвох, алвости, ажина ёки шайтон” деб күриб күркүшган.. Лекин юкоридаги хитойча үкиш услубига амал қылсангиз күркмаслигингиз аник.




**41- расм.** “Овқатни ози ширин дейишади лекин очлик хамиша очникда”-  
күпрогини танлай қолинг”


Xat, сабакнинде күннен күннеге ылғалданын жаңынан жарылған күннелердегі



**42- расм .** Ушбу гүзәл эгизакларни шундай ҳолатда күрганингиз маъқул. Акс  
холда....



43- расм. Ўрмонда ушбу овчиларни итларини жин чалганми ёки ўзлариними?



44- расм. Доиралар кийшайған ҳолда идрок килинади тұғрими. Лекин доиралар геометрик жиҳатдан бир текисда жойлаштирилған.



45- расм. Зангор рангли хонни күринишидан каттароқ деб сотиша сионманг. Айтишадику ташқи күриниш алдамчы деб. Эни ва бүйи жиҳатидан иккиси ҳам бир-хил



46- расм. Танлаш имконияти берилса албатта каттарок деб охиридаги енгил машинани танлаган бұлардингиз тұғрими. Лекин шошилманг, берган маълумотларимиз зое кетмагандыр.




47- расм. Биринчи аквариумдаги балиқни ҳеч нарсага тегмасдан иккинчи аквариумда пайдо килиш мүмкінми. Албатта йўқ. Үйлаб кўринг. Топа олмадингизми, диккат бўлманг кейинги саҳифаларимизда ёрдам берамиз.



48- расм. Япон олимлари иктиро қилган мутант сигирлар ўзимизнинг яйловларда ҳам бор.



49- расм. Ёш йигитча қизнинг онасини кўриб капалаги учиб кетдиёв.




1

2

**50- расм.** Машхур Пизам минорасининг қайси бири кўпроқ ўнг тарафга ёнбошлаган (эгилган) деган саволга албатта иккинчиси дейишингиз аниқ. Лекин хулоса чиқаришга шошилманг. Иккаласининг ҳам оғиш бурчаги бирхил.



**51- расм.** Бу иморатни расмини чизган меъмор бунчалик машхур бўлиб кетишини тушида ҳам кўрмаган бўлса керак. Ажойиб?.  
Лекин устунларнинг жойлашишига қарасангиз харидор бўлмаслигингиз аниқ. Шаклнинг ўзгарган тарзда акс эттирилиши туфайли пайдо бўладиган иллюзиялар.



**52- расм.** Диккат билан нигохингизни үртадаги құшув белгисига каратиб турсандык атрофдаги қызил доиралар үз-үзидан йүқолиб қолады.



53- расм. Айлананинг қора фондаги кисми окрок кўринади тўғрими лекин ўртадаги қаламни олиб қўйсак бу иллюзия йўқолади.




54- расм. Бу ерда хеч қандай автомобиль йўқ. Рассомларнинг ҳазили холос?



55- расм. Нахотки рохивалар ҳам шундай кийинишга жазм этишса.



56- pacm.



57- pacm

LA VIE EN ROSE



58- pacm.



59- рисм



60- расм.



61- расм.



62- расм.



63- расм.




64- расм.




65- расм.



66- расм



**67-расм.** Никох узуги сал ғалати күрингизга тақишига бир харакат қилиб күрингчи.



**68 – расм.** Ушбу илонни икки бошли дейишса ҳеч ким ишонмайди. Лекин нигохингиз билан думидан бошлаб бошини излаб күрингчи? Ҳўш иккинчи бошини кўраолдингизми.




69 –расм. Айтингчи қайси бири үғил ва қайси бири қиз бола?



70- расм. Стул сиз томонга караб турғандек гүё лекин нигохингиз билан уни нариги томонга буришингиз мумкин.




71- расм. Айтингчи бу олмами ёки -?



72- расм. Ўртадаги оқ доирага (нукта) тикилиб турсангиз бошқа оқ нүкталар ўз-ўзидан йўқолиб колади.




73 – расм. Агар диккат билан расмнинг қора рангли шаклларига қарасак биз денгиз соҳилида узокларга нигоҳ ташлаб турган икки кишини ва катта эман дарахтини тасвирини кўрамиз. Расмдаги қора рангли шакллар оқ фонга хажман кичикрок бўлгани сабабли биз энг аввало, айнан эман дарахти ва соҳил бўйини тасвирини кўриб турибмиз. Агар диккатимизни шаклга нисбатан хажман каттароқ бўлган оқ фонга каратсак(бу бироз қийин бўлиши мумкин), расмда чақалокнинг ялонғоч ҳолдаги тасвирини кўришимиз мумкин.



74 – расм.



75- расм. Умумий фонга эътиборни қаратсак биз ёлгиз оролда қолиб кетган Робинзонни кўрамиз. Лекин дикқатингизни Робинзоннинг юз, қош кўз ва бурун қисмига тўпласангиз ошуқ-маъшуқларнинг висол учрашувини кўришингиз мумкин.




76- расм. Дарахтга бир тепсанг одам түкилади дегани ростга үхшайди.




77- расм. Қадимги Японияда “Нинза” лар одамлардан шундай күринища яширинишган бўлишса ажаб эмас.




78- расм.



79- расм.




80- расм.



81- расм.



82- расм.



83- расм.

## Иллюзия муаллифлари ҳақида қисқача маълумот



И.Х.Поггендорф (1796 – 1877 й) Гамбургда туғилган. Немис физиги. 1834 йилдан Берлин университети профессори. 1839 йилдан Берлин фанлар академияси аъзоси. Электрохимия муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган



И Ф.К.Цёльнер (1834-1882 й) Берлинда туғилган. Немис астрофизиги ва астрономи. 1866 йилдан Лейпциг университети профессори. Астрофотометрия муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борган. Коинотдаги ёргуликларни фотометр курилмалари асосида кузатган. Цёльнер иллюзияси 1860 йилда кашф килинган. Бунда иккита тенг тамонли тұғри чизиклар устидан кесиб үтадиган кичик диагонал киркимлар тұғри чизикларни ёйилгандек қилиб идрок этишимизга сабаб бўлади. Бу иллюзияни Цёльнер тасодифан матолар устига чизилган безакда қуриб қолади ва замондоши Поггендорф билан тахлил килади



В.Вунд ( 18.06.1832 - 31.08.1920 Лейпциг, Германия) немис психологи, физиологи ва файласуфи. 1879 илии Лейпциг университетида дунёда биринчи бўлиб психология лабораториясини очган. 2 та бир хил узунликдаги чизиклар, икки хил катталиқдаги чизиклар кўринишида идрок қилинади. Яъни тик чизик ётиқ чизикка нисбатан узунрок кўринади.



Герман Эббингхауз (1850-1909й).

Немис психологи. Ассоциатив психология вакили. Бреслау университети профессори.

“Хотира ҳақида” (1885й) асари муаллифи. Психологиядан бир қанча құлланмалар муаллифи



Д.Ястрев (1863 – 1944 й). Америкалик психолог.

1882 йили Пенсильвания университетини тугатган. 1886 йили Д.Хопкинс номидаги Бальтиморе университетида психологиядан илмий ишини химоя күлганды. Американинг экспериментал психология йұналиши асосчиларидан бири.



Э.Б. Титченер (1867-1927й). Англияда туғилған.

Инглиз, кейинчалик американец тадқиқотчи – психолог. В.Вунд шогирди. “Психология очерклари” (1898й), “Психологиядан құлланма” (1914й) асари муаллифи. Сезги ва дикқаттің үзига хос құсусиятларини илмий-экспериментал равишида тадқиқ қылған



Марио Понцо (1882 - 1960).

М.Понцо үз тадқиқотларини умумий ва экспериментал психологияга ҳамда кейинчалик гистология ва таъм билиш психофизиологиясыга бағишилаган. М.Понцо 1913 йили үз тадқиқоти орқали “бизнинг миямиз баъзан объекттинг ўлчамини ортда қолган фон асосида аниклаб беришини ” кўрсатиб ўтган эди. “Темир йўллар” иллюзияси айнан бунга мисол бўла олади



Михаэль Морган 1942 йили Англияning Кардифе шахрида туғилған. Англияning Сити университети, визуал психофизика кафедрасы профессори.



Акиёши Китаока ( 1961 ) япониянинг Ритсумей университетидаги психология факультети профессори

1. 27-расмдаги автомобиль ҳеч кимни қарашас, уни асфалтга шундай чизишган холос.
2. 28- расмда гипнозланган қизни фокусчининг қўлидаги ҳалқа ичига киришини кўриш учун сиз авваламбор 25 см узоклиқдан ҳалқа остидаги қора нуктага 30 секунд тикилиб туринг, кейин унга тикилганча яқинлашинг.
3. 47- расмда биринчи аквариумдаги балиқка 30 секунд тикилиб туринг, кейин нигоҳингизни иккинчи аквариумга кўчиринг. Балиқ аллбатта кўринади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. 1997.й
2. Баркамол авлод орзузи. Т. 1999.й.
3. Вадимов. А. Репертуар иллюзиониста. М. 1967.
4. Давлетшин.М.Г. Умумий психология. Т. ТошДПУ. 2002. й.
5. Каримова. В. Психология. Тошкент. 2002.й.
6. Платонов.К.К. Қизиқарли психология. Т. 1974 й.

7. Психологический словарь. М. 1990.г.
8. Соғинов. Н. Умумий ва ижтимоий психология асослари». Т. 2004 й.
9. « Таълим тўғрисида конун». Т. 1999.й.
10. Турғунов. Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т. 1974 й.
11. Шоумаров.Ф.Б. таҳрири остида. «1001 саволга психологнинг 1001 жавоби». Тошкент. «Мехнат», 2000.й.
12. Файзуллаев.А. Инсон,сиёsat, бошқарув. Т. «Ўзбекистон», 1995.й.
13. Фозиев.Э. Тафаккур психологияси. Т. “Ўқитувчи”, 1990 й.
14. Ф.Алимова,Н.Жўраев, П.Эргашев ”Кўриш иллюзиялари” Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети, 2004й

[www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)

[www.grand-illusions.com](http://www.grand-illusions.com)

[www.moillusions.com](http://www.moillusions.com)

[www.illusion.ee](http://www.illusion.ee)

[www.illusionoftheyear.com](http://www.illusionoftheyear.com)

[www.ritsumei.ac.jp](http://www.ritsumei.ac.jp)

[www.mathworld.wolfram.com](http://www.mathworld.wolfram.com)

[www.creativefan.com](http://www.creativefan.com)

[www.anopticalillusion.com](http://www.anopticalillusion.com)

## МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	3
2. Идрок жараёни ҳақида тушунча .....	5
3. Иллюзиялар.....	30
4. Иллюзия муаллифлари ҳақида қисқача маълумот.....	71
5. Фойдаланилган адабиётлар .....	73

